

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Phd.03/30.01.2020.I.20.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИМОВА МОҲИРА ОЛИМБАЕВНА

**ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ИННОВАЦИОН МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ (ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)
in Economics Sciences**

Халимова Моҳира Олимбаевна

Туристик хизматлар бозорини ривожлантиришда инновацион
механизмларни такомиллаштириш йўллари (Қорақалпоғистон
Республикаси мисолида) 3

Халимова Моҳира Олимбаевна

Пути совершенствования инновационных механизмов в развитии
рынка туристических услуг (на примере Республики
Каракалпакстан) 30

Halimova Mohira Olimbaevna

Ways to improve innovative mechanisms in the development of the
tourist services (on the example of the Republic of Karakalpakstan)
..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Phd.03/30.01.2020.I.20.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИМОВА МОҲИРА ОЛИМБАЕВНА

**ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ИННОВАЦИОН МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ (ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Iqt1345 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.karsu_info@edu.uz ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Убайдуллаев Кайрулла
иқтисодиёт фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мусағалиев Ажинияз Жумагулович
иқтисодиёт фанлар доктори, доцент

Бекжанов Дилмурад Йўлдашович
Иқтисодийт фанлари бўйича PhD

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.01.2020.I.20.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 15 январь соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1. Тел.: (99861) 223-60-78; факс: (99861) 223-60-19; e-mail: karsu_info@edu.uz.)

Диссертация билан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 8 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1. Тел.: (99861) 223-59-49, e-mail: karsu_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил 5 январь куни тарқатилди.

(2021 йил 5 январдаги №8 рақамли реестр баённомаси).

Н.Арабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.в.б., и.ф.д., профессор

А. Алымов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD, доцент

Т. Досчанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси и.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрнинг бошида бутун дунёда туризм соҳаси ва унинг хизматлар бозорининг шиддатли ривожланиши кузатилмоқда. Олимлар туризм XX аср феномени эканлигини қайд қилиб, XXI аср туризм асри бўлади, деб башорат қилмоқдалар. Ҳозирги замон туризмнинг ривожланиш тенденциялари (глобаллашув, кириш-чиқиш жараёнларининг либераллашуви, электрон туризм, барқарор туризм, горизонтал ва вертикал интеграция ва б.) туризм индустриясининг иқтисоднинг энг даромадли соҳалар қаторига киришига сабаб бўлдилар. Глобаллашув ахборот алмашуви ва коммуникация жараёнларини янада тезлаштирди, ахборот технологияларининг кенг тарқалиши жорий аср янгиликлар, ихтиролар, инновациялар асри бўлишига сабаб бўлди¹.

Дунё олимлари томонидан туризмни ривожлантиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш, туризм соҳасида инновацияларни тадбиқ қилиш, туризмнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда туризмнинг глобаллашув ва технологик революциялар контекстида иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятини, атроф-муҳитга таъсирини аниқлаш, табиат ва туризм ўртасидаги мувозанатни сақлаш, туризмни ривожлантиришнинг янги моделларини ишлаб чиқиш, соҳани ривожлантиришда янги технологиялар ва инновациялардан унумли фойдаланиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда миллий иқтисодиётдаги туризм соҳасининг улушини туристик хизматларнинг сон ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, хизмат кўрсатишда замон талабларига мос, адекват бўлган усул ва воситалардан самарали фойдаланиш масалалари энг муҳим ва долзарб масалалар қаторига киритилган.

Кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда туризм соҳасига эътибор кучайиб, у стратегик тармоқ сифатида Ҳаракатлар стратегиясида ҳам белгиланган². Хусусан, уни амалга ошириш доирасида республикада туризм соҳасини ривожлантириш ва уни жаҳон сифат стандартларига яқинлаштириш борасида жуда кўп ишлар олиб борилмоқда; янги туристик йўналишларни шакллантириш ва ривожлантириш, мавжуд инфратузилмаларни такомиллаштиришга оид саъй-ҳаракатлар кучаймоқда; соҳани

¹ Крафт Й. Глобализация и развитие инновационной системы национальной экономики //Вопросы инновационной экономики, 2015, Том 5, Выпуск 3; А.Е. Михневич. Культурные основы инновационного мышления//Социология, 2008, №4, С. 49-62; Инновации для поколения XXI века //https://www.irro.ru/files/322985.pdf .

² 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси// https://www.lex.uz/acts/3107036

ривожлантиришга йўналтирилган янги фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда. Соҳага оид қабул қилинган ҳужжатлар Ўзбекистонда туризм соҳасини жаҳон стандартлари ва моделлари талабларига ҳамоҳанг равишда динамик ўсиш ҳолатида такомиллаштиришни, туризм соҳасини инновацион ривожлантиришни, янги йўналишларни шакллантириш ва ривожлантириш, мавжуд инфратузилмаларни такомиллаштиришга оид саъй-ҳаракатлар янада кучайтиришни назарда тутди. Шу сабабли замонавий туризмни ривожлантиришда инновацион механизмларнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистан Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни (2019 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикаси туризмни жадал ривожлантиришига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрельдаги «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6199-сон Фармони, шунингдек, соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражадаги аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий туризмнинг назарий асосларини ишлаб чиққан ва биринчи бор туризм феноменининг таърифини келтирган олимлар Берн университети профессорлари Курт Крафт ва Валтер Хантсикер бўлиб, улар туризмни одамлар ўз саёҳатлари натижасида доимий яшаш учун қолиб келмагунга қадар ва саёҳатлари ҳеч қандай фойда олиш билан боғлиқ бўлмагунча содир бўладиган ҳодисалар ва муносабатлар катори, деб изоҳлайдилар³. Фанда туризмга оид изланишлар олиб борган Австрия илмий мактаби намоёндалари П.Бернеккер, В. Эднер,

³ Туризм как наука/Эл. ресурс: <http://facecollection.ru/people/valter-hunciker> Мурожаат санаси 16.09.2020.

Дж. Мазанец, Э.Спатт, Германия илмий мактаби намоёндалари Г.Вальтершпиер, Б.Пфистер, Х.Сайеманн каби олимларнинг асарлари туризм, унинг хизматлар бозори ва маҳсулотларининг туғри ва самарали шаклланиши ва ривожланишига илмий-назарий ва методологик асос сифатида хизмат қилмоқда. Инновациялар соҳасидаги тадқиқотлар устида Р.Солоу⁴, М.Портер⁵, Б.Твис, Р.Фостер, Й.Шумпетер⁶, Дж. Одельски, У.Томпсон, А.Тойнби, Ф.Бродель, С. Антонелли⁷, Р.Эткинсон⁸, Н.Д.Кондратьев каби хориж олимлари иш олиб борганлар. Улар инновация тушунчасининг моҳияти, инновацион жараёнларнинг эволюциясини ўрганлар ва инновацияларни иқтисодий ривожланиш босқичлари ва конъюктараларини белгиловчи омиллар сифатида тадқиқ қилганлар. Давлат сиёсатида инновацион фаолиятнинг ўрни, унинг ҳуқуқий асослари Дж.Кантвелл ва С.Ямарино⁹, Дж.Л.Фурман ва М.Е. Портер¹⁰, Д.Степаненко¹¹, А.М. Фоломьева¹², Н.И. Волошин¹³ каби хориж олимлари томонидан тадқиқ қилинган.

В.А.Колоколов, Н.В Астафьева, Г.Г. Азгальдов, А.В. Костин, Г.Д.Ковалёв, А.А. Дагаев, П. Шеко, С.Мазуренко, Р.Н. Ушаков каби бир қатор олимлар туризмда инновацияларни тадқиқ қилишга бўлган назарий ёндашувларни, туризмдаги тадбиркорликнинг инновацион асосларини, шу соҳада фаолият юритувчи ташкилотларни инновацион бошқариш тизимидаги ўзига хос хусусиятларни, ишбилармонлик муҳитида инновацияларни фаоллаштиришга қаратилган индивидуал механизмларни ўрганишган.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари Н.Т.Тухлиев, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, М.М.Мухаммедов, Д.К.Усманова, А.Н.Норчаев, О.Ҳ.Хамидов, У.Р.Матёкубов, С.С.Рўзиев,

⁴ Солоу Р. М. Теория роста // Панорама экономической мысли конца XX столетия / Под ред. Д. Гринауэя Т.1 — СПб.: Экономическая школа, 2002.

⁵ Porter M. E. Strategy and the Internet // *Harvard Business Review*, March 2001, pp. 62-78; Porter M. E., Kramer M. R. Strategy and Society: The Link Between Competitive Advantage and Corporate Social Responsibility // *Harvard Business Review*, December 2006, pp. 78-92.

⁶ Шумпетер Й. Теория экономического развития. М. — «Эксмо», 2007.

⁷ Antonelli C. The Economics of Innovation, New Technologies, and Structural Change. London: Routledge, 2003. 210 p.

⁸ Atkinson R.D, Ezell S.J. Innovation Economics. The Race for Global Advantage. New Haven: Yale University Press, 2012. 440 p.

⁹ Cantwell J. and Lammarino S. (1998) MNS, Technological Innovation and Regional Systems in the EU: Some Evidence in the Italian Case, International corporations and European regional systems of Innovation. Routledge. London.

¹⁰ Furman J.L., Porter M.E. and Stern S. (2002). The determinants of national innovative capacity, *Research Policy*. 31(6), p. 899-933.

¹¹ Степаненко Д. Инновационная политика: нормативно-правовой подход. *Экономист*, №12, 2010, С. 51-57.

¹² Фоломьева А.М. Инновационный тип развития экономики. Учебник. Изд. 2-е, доп. и перераб. М., 2008, 712 с.

¹³ Волошин Н.И. Правовое регулирование туристской деятельности: Учебное пособие. М.: Финансы и статистика, 1998. - 120 с.

Н.Э.Ибодуллаев, А.К.Алымов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритилган.¹⁴

Бирок, Қорақалпоғистон туристик хизматлар бозорида инновацияларнинг ўрни ва моҳияти, уларни ташкиллаштириш, молиялаштириш, жорий этиш каби механизмлари иқтисодий феноменлар ва шунинг билан бирга мураккаб тизим сифатида комплекс ўрганилмаган ва мамлакатимиз иқтисодиёт фанида бу муаммога бағишланган алоҳида таҳлилий тадқиқотлар мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан, жамиятнинг барча жабҳаларига янги технологияларнинг шиддатли кириб келиши ва умумий ривожланиш суръатларига ижобий таъсир ўтказиши шароитида туризм индустриясида туристик хизматлар бозори фаолиятинининг Қорақалпоғистон республикаси мисолида чуқур таҳлил қилиш ва уни такомиллаштиришнинг инновацион механизмларини тадқиқ қилиш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти мавзуси Қорақалпоқ давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикасида туристик хизматлар бозорини ривожлантиришда инновацион механизмларни такомиллаштиришга оид илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бугунги туристик бозор, туристик хизмат таркибидаги инновациялар ва инновацион фаолиятнинг моҳиятини очиб бериш;

туризм соҳаси инновацион ривожланишининг концептуал ва ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

¹⁴ Boltaboev M.R., Tuxliev I.S., Safarov B.Sh., Abduxamidov S.A. Turizm: nazariya va amaliyot. –Т.: «Fan va texnologiya», 2018. –В. 400.; Тўхлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. –Т.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006. –С. 386.; Пардаев М., Атабаев Р. Туризм асослари. Самарқанд, САМИСИ. 2006. –Б. 74.; Тўхлиев И., Қудратов Ф., Пардаев М. Туризмни режалаштириш. Дарслик. –Т.: Иқтисод ва молия. 2008. –Б. 262.; Мухаммедов М., Рахматов Ф. Туризм соҳасида бозор муносабатларининг шаклланиши ва унинг тармоқ самарадорлиги кўрсаткичларига таъсири // Сервис ва туризм: Бошқариш ва ривожлантириш муаммолари. Халқаро анжуман материаллари. Самарқанд, 2007.; Усманова Д. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития. Иқт. фан. ...дисс. – Самарқанд, 2009. –Б. 25.; Норчаев А. Халқаро туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири. Иқт. фан. номз. ...дисс. 2004. –Б. 120.; Ҳамидов О. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш. И.ф.д. ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2017.; Матъякубов У. Экологик вазиятни инобатга олиб туризм самарадорлигини ошириш йуналишлари ва истиқболлари (Хоразм вилояти мисолида). Иқт. фан. номз. ...дисс. – Самарқанд, 2011.; Рўзиев С. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истиқболлари. Иқт. фан. ...дисс. –Т., 2009.; Ибадуллаев Н. Туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорли-гини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). Иқт. фан. ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2010; Alimov, A. (2018). Abstract of the PhD dissertation on economic sciences. Main directions and prospects of development of ecological tourism in the Republic of Karakalpakstan. Samarkand: Zarafshon. <http://library.ziyonet.uz/static/lib/readerpdf/web/viewer.html>, 27-49.

инновацион механизмларнинг туризм бозоридаги функциялари ва қўлланиш хусусиятларини ёритиш;

Қорақалпоғистон туризм соҳаси ва хизматлар бозорининг шаклланиши ва ривожланишини тадқиқ қилиш;

Қорақалпоғистоннинг туристик салоҳиятини ўрганиш ва унинг ривожланиш истиқболларини таҳлил қилиш;

Оролбўйи зоналарида туризмнинг экоинновацион салоҳияти ва имкониятларини ўрганиш ва ёритиш;

туризм хизматлар бозорида фаолиятидаги инновацион механизмларни такомиллаштириш усулларини ўрганиш, ишлаб чиқиш ва тавсия қилиш;

туризм хизматлари бозорида инновацион менеджментнинг ўрни, аҳамиятини ва уни такомиллаштириш омилларини таҳлил қилиш;

маркетинг инновацияларининг туризм бозорини ривожлантиришдаги таъсирини аниқлаш ҳамда мазкур фаолиятни оптималлаштириш йўлларини тавсия қилиш;

туристик фирмалар фаолиятини оптималлаштиришда инновацион механизмларни такомиллаштириш усулларини тавсия қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикаси туризм соҳаси ва ундаги барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети туризм хизматлар бозоридаги инновацияларнинг ўрни ва ривожланиш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли функционал ёндашув, мантикийлик, анализ ва синтез, хусусан, PEST ва SWOT-таҳлил, эконометрик усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

минтақада туризмни ривожлантиришда инновацион маркетинг ва контент-маркетинг фаолиятини оптималлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

туризм бозори ривожланишининг инновацион механизмларини тадқиқ қилиш жараёнида хизматлар монетизациясини ривожлантириш механизми такомиллаштирилган;

минтақадаги олий таълим муассасаларида туризмнинг ҳар хил турларини ташкил этиш ва бошқариш технологиялари, туризм соҳасидаги ресурсларни бошқариш, туризм саноати ва туристик бизнес корхоналарини бошқариш каби асосий йўналишларида туризм соҳаси учун туристик корхоналар билан ҳамкорликда мутахассисларни тайёрлашнинг механизми ишлаб чиқилган.

Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантиришнинг 2022-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистоннинг туризм хизматлар бозорида инновацион механизмларни такомиллаштириш йўллари белгиланган;

инновацион менеджмент ва инновацион маркетингни шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари ишлаб чиқилган ва тавсия қилинган;

туристик фирмалар фаолиятини оптималлаштириш омиллари ва уларнинг таъсир имкониятлари кўрсатилган;

туризм хизматлари сифатини таъминлаш стратегиясининг асосий йўналишлари бўйича илмий асосланган амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда қўлланган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, иқтисодий сиёсат, иқтисод назариясининг асосий принциплари (илмийлик, тарихийлик, персонификация), маълумотларнинг расмий манбалар орқали, жумладан микро- ва макроиқтисодиёт, инновацион иқтисод, “яшил” иқтисод соҳасидаги республикамиз ва хорижий давлатлар олим ва тадқиқотчилари, фаолиятлар йўналишидаги амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазибаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “туризм бозоридаги инновациялар”, “туризм соҳасида мукамал инновацион стратегия” “туризмнинг экоинновацион ривожланиши”, “туристик хизматлар бозорида инновацион менеджмент”, “туризм бозорининг маркетинг инновациялари” тушунчаларига муаллифлик таърифларининг шакллантирилганлиги, мамалакатимиз ва минтақада туристик хизматлар бозори фаолиятини такомиллаштириш омилларини излаш, уларни таҳлил ва тадбиқ қилиш бўйича илмий-амалий хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги; Қорақалпоғистон республикасининг туристик салоҳияти ва унинг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, Оролбўйи минтақасини экоинновацион ривожлантириш концепциясининг ва “Йўл харитаси” лойиҳаларини ишлаб чиқилганлиги; туристик маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш фаолияти билан машғул ташкилотлар (туроператорлар ва турагентлтиклар) фаолиятини оптималлаштириш йўллариининг белгиланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти туризм индустриясидаги малакали кадрлар ресурслар базасини мустаҳкамлаш, уларни бозор сегментларига мос тарзда бошқариш, тўғри тақсимлаш ва фойдаланиш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида “Туризмни ривожлантиришнинг инновацион механизмлари” махсус курсининг ишлаб чиқилганлиги ва иқтисодиёт, туризм

йўналишидаги олий ўқув юртларининг бакалавр ва магистр ўқув дастурлари ва режаларига (5610300 – Туризм (хизматлар бозорини ривожлантириш)) киритилганлиги; туристик компаниялар хизматини ва туристик маҳсулотларни реклама қилиш, потенциал харидорларнинг уларга бўлган қизиқишини ошириш, мазкур товарлар ва хизматлардан тушадиган даромадни кўпайтириш мақсадида Қорақалпоғистон ҳудудидаги туристик объектларда сенсор инфокиоскларни жорий қилиниши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларидан Қорақалпоғистонда, хусусан Оролбўйи минтақасида туризм бозорини инновацион ривожлантириш, иқтисод йўналишидаги олий таълим муассасаларида ўқитиладиган мутахассислик фанларининг методик таъминотини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикасида туристик хизматлар бозорини ривожлантиришда инновацион механизмларни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар натижасида:

Минтақада туризмни ривожлантиришда инновацион маркетинг ва контент-маркетинг фаолиятини оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлари Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси иш фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси 2021 йил 26 апрель № 03-16/428 сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши ички туризмни ривожлантириш, туризм соҳасида хизмат турларини кенгайтириш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрувчи маҳаллий ва хорижий туристлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилган.

Туризм бозори ривожланишининг инновацион механизмларини тадқиқ қилиш жараёнида хизматлар монетизациясини ривожлантириш механизми такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси иш фаолиятига жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди бошқармаси 2021 йил 22 январь №01/51 сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши Қорақалпоғистон ҳудудида туристик объектлар атрофида инфратузилманинг ривожланишига, давлат ташкилотлари, туристик фирмалар, таълим муассасалари, илмий тадқиқот марказлари ва бошқа ташкилотлар билан экотуризмни ривожлантириш мақсадида ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини берган.

Минтақадаги олий таълим муассасаларида туризмнинг ҳар хил турларини ташкил этиш ва бошқариш технологиялари, туризм соҳасидаги

ресурсларни бошқариш, туризм саноати ва туристик бизнес корхоналарини бошқариш каби асосий йўналишларида туризм соҳаси учун туристик корхоналар билан ҳамкорликда мутахассисларни тайёрлашнинг механизмини ишлаб чиқиш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси иш фаолиятига жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди бошқармаси 2021 йил 22 январь №01/51 сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши натижасида Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳаси учун малакали кадрлар етиштириш муаммоларининг самарали ечимлари ишлаб чиқилган. Хусусан, Нукус шаҳридаги туристик фирмаларда туризм соҳасида таълим олувчи талабаларнинг ишга жойлашишига эришилган.

Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантиришнинг 2022-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси иш фаолиятига жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди бошқармаси 2021 йил 22 январь №01/51 сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши натижасида Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасининг пандемия шароитини ҳам инobatга олган ҳолда минтақада туризм соҳаси кўрсаткичлари 15 %гача ўсган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари

ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи берилган, муаммонинг ўрганганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, қўлланган усуллари, илмий янгиликлари, химояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши ва апробацияси, эълон қилинганлиги, шунингдек диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Туризм хизматлар бозорини тадқиқ этишнинг назарий ва методологик асослари”** деб номланган биринчи бобда туризм хизматлар бозорини тадқиқ этишга, туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришга бўлган илмий ва методологик ёндашувлар, Ўзбекистонда туризм соҳасининг инновацион ривожланишининг концептуал ва ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

Туризм ва унинг хизматлар бозори моҳиятининг онтологик хусусиятлари ва тарихий-диалектик талқини доирасида турли халқаро ташкилотлар, илмий мактабларнинг туризм соҳасига, хизматлар тизимининг ҳар хил элементларига, хусусан, халқаро савдо хизматлари тизимининг баъзи компонентларига бўлган илмий қарашлари, туризм ва туристик хизматларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини белгилашда дунё олимларнинг мазкур тушунчаларга бўлган ёндашувлари таҳлил қилинган, соҳа индустриясининг структураси, туристик хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари, туристик хизматлар бозорида шаклланадиган ва ривожланадиган муайян илқтисодий муносабатларнинг қиёсий илмий таърифлари келтирилган.

Туристик хизмат моҳиятининг қонун ҳужжатларида юридик (ҳуқуқий) таърифни келтиришда уларнинг функционал хусусиятлари ҳам ҳисобга олинади. Хусусан, Ўзбекистон республикасининг “Туризм тўғрисидаги” қонунида “туристик хизматлар - жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, экскурсия ва маслаҳат хизмати кўрсатиш бўйича хизматлар, шунингдек турист ва экскурсантнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган хизматлар”, деб белгиланган.

Туризм соҳасида кўрсатиладиган хизматлар турларининг таснифлари турлича. Улардан бири 1-расмда ўз аксини топган¹⁵.

¹⁵Матвеева О.П., Иваницкая Т.Ю. Сущность и содержание туристских услуг / О.П. Матвеева, Т.Ю. Иваницкая // Вестник Белгородского университета кооперации, экономики и права. – 2014. - № 1. – С. 130-139.



1-расм. Туристтик хизматлар таснифи

Хизмат, туризм соҳасидаги хизмат, туристик маҳсулот, туристик индустрия, туристик бозор каби тушунчалар моҳиятига назарий ёндашувлар турлича бўлишига қарамай, туристик хизматлар, шубҳасиз, иқтисодий категория ҳисобланиши ва уларда муайян илқтисодий муносабатлар намоён бўлиши асосланган. Бу муносабатлар ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи орасида шаклланиб, улар одамларнинг иқтисодий ва ижтимоий-маданий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Шу нуқтаи назардан туристик хизматлар бозори - одамларнинг яшаш жойидан ташқарида, яъни бошқа мамлакатда ёки ўз мамлакати ичида саёҳат ва дам олиш вақтида туғиладиган иқтисодий, маданий, ижтимоий талаб ва эҳтиёжларини жамиятнинг турли соҳа ва жабҳалар тармоқларида кўрсатиладиган хизматлар воситалари ёрдамида қондиришга йўналтирилган ҳаракат, фаолиятни ишлаб чиқарадиган

индустриянинг таркибий бўлаги эканлиги илмий таҳлиллар асосида эътироф этилган.

Туризм бозорининг моддий ва номоддий маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритадиган мураккаб ва бошқарилувчан структура сифатида кўйидаги хусусиялари тавсифланган: 1) бажариладиган ишлаб чиқариш функцияларининг катта ҳажми; 2) ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматлар турларининг хилма-хиллиги ва кўплиги; 3) ишлаб чиқариш жараёнларини ташкиллаштиришнинг даражаси; 4) жорий этиладиган технология тур, шакл ва жорий этиш соҳаларининг кўплиги; 5) иш жойлари сонининг кўплиги; 6) персонал миқдорининг юқорилиги; 7) ички ўзаро алоқалар тури ва сонининг кўплиги.

Шунингдек, туристик хизмат ва туристик маҳсулот, хизматлар бозори ва товарлар бозори орасидаги фарқ изоҳланган, “туристик хизматларнинг сифати” тушунчасининг моҳияти ёритилган. Эътироф этилганки, сифат мезони туристларга хизмат кўрсатиш фаолиятининг турли шакллари акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими орқали ифода этилади ва туризм бозорида кўрсатиладиган хизматлар сифатига табиат-иқлим; маданий-тарихий; психологик; туристларнинг ўзларига хос (специфик) эҳтиёжлари; соҳа хизматчиларининг меҳнат маданияти ва ахлоқи; ташкилот имиджи каби омиллар таъсир қилади.

Диссертацияда “инновациялар”, “инновацион технологиялар”, “инновацион механизмлар” каби тушунчаларининг илм-фан ва амалиётдаги талқини, улар орасидаги умуйлик ва фарқлар, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва ижтимоий моҳияти, туризм соҳасидаги инновациялар ва соҳа инновацион фаолиятининг асосий йўналишлари, ҳозирги замон инновацион технологиялари ва уларнинг туризм соҳасидаги ўрни ва роли, тадбиқ қилиниши керак бўлган янгилик жараёни, моҳияти ва тадбиқ қилиниши соҳалари, инновацияларга бўлган эҳтиёж, инновациянинг самарадорлиги каби мезонлар бўйича таснифлари, инновациялар ва янги технологияларни амалиётга тадбиқ қилиш, яъни инновацион фаолиятни амалга оширишнинг ташкилий ва иқтисодий шакллари, уни амалга оширишга кўмаклашиш, инновацион ечимларни излаш, шунингдек, ушбу фаолиятни рағбатлантириш ва тартибга солиш воситалари, яъни механизмлари, ушбу инновацион механизмларни ташкил этувчи асосий гуруҳлари (ташкिलлаштириш механизмлари; ишлаб чиқиш ва жорий қилиш механизмлари; молиялаштириш ва рағбатлантириш механизмлари; технологик трансферт механизмлари; интеллектуал мулк механизмлари)нинг қиёсий илмий таърифлари келтирилган.

Шунингдек, туризмнинг инновацион ривожланишига таъсир қиладиган асосий омиллар кўрсатилган. Булар: илм-фан ва техниканинг ривожланганлик

даражаси; иқтисодий ва сиёсий барқарорлик; долзарб қонунчилик базаси ва бошқа ташқи омиллар; табиий, молиявий ва бошқа ресурсларнинг зарур ҳажмда бўлиши; туристик инратузилманинг ривожланиш даражаси; туристик маҳсулотлар ва хизматларнинг шаклланган конъюктураси ҳамда рақобатнинг тур ва шакллари; туристик фаолият барча соҳаларининг юқори малакали мутахассислар билан таъминланганлиги в.б.

Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни ривожлантириш ва миллий инновацион тизимларни шакллантириш, туризм соҳаси ривожланиши инновацион механизмларининг концептуал ва ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон қонунчилигидаги туризм соҳасига ва уни инновацион ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва концепциялар таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда улкан туристик салоҳиятни иқтисодиётнинг энг салмоқли манбасига айлантириш мақсадида республикамизда Туризмни барқарор инновацион ривожлантириш концепциясини соҳага оид мавжуд ҳуқуқий ва концептуал асосларининг таркибий қисми сифатида ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, унда белгиланадиган вазифаларни амалга оширилаётган ишларнинг мантикий давоми, деб қараш мақсадга мувофиқлиги ва унда белгиланган мақсад ва вазифаларнинг самарали амалга оширилиши истиқболда Ўзбекистон туризми (шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси туризми) миллий иқтисодиётдаги ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, минтақа ва дунё туристик хизматлари бозорига энг рақобатбардош давлатлар қаторида кириб боришини таъминлаши мумкинлиги илмий асосланган.

Диссертациянинг **“Қорақалпоғистон республикаси туристик хизматлар бозорининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари”** деб номланган иккинчи бобида Қорақалпоғистон Республикасининг туристик салоҳияти, Оролбўйида экологик туризмни ривожлантиришнинг инновацион механизмлари, минтақа туризм хизматлари бозорининг ривожланиши PEST ва SWOT-таҳлил усуллари воситасида тадқиқ қилинган.

Республиканинг туристик салоҳияти шартли равишда тарихий обидалар; маданий туризм объектлари; диний (зиёрат) туризм объектлари; экологик объектлар; этник туризм объектлари каби 5 гуруҳга ажратилган ҳолда улар туристик жозибадорлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Қорақалпоғистон туризмнинг хусусиятлари унинг салоҳиятини белгиловчи куйидаги омиллар билан тавсифланган: а) табиий-иқлим шароитининг экзотик ўзига хослиги, б) улуғвор табиат ёдгорликлари, в) кўҳна ва қизиқарли тарихий-маданий ёдгорликларнинг мавжудлиги. Ўлка туризм турларининг ривожланиши имкониятлари нуқтаи назаридан, Орол денгизи фожеаси контекстида экологик туризмнинг салоҳияти бошқа турларга нисбатан жуда катта эканлиги илмий асосланган.

Экологик ва ижтимоий вазиятнинг оғирлигига қарамасдан,

Қорақалпоғистон республикасида туризмни ривожлантириш имкониятлари жуда катта. Қорақалпоғистон ҳудудида 131 та археологик, 25 та меъморий, 89та монументал, (39та диққатга сазовор объект), жами 284 та меъморий моддий-маданий мерос объектлари рўйхатга олинган. Илк ва ўрта асрлар Хоразм давлати ва Кердер маданиятининг 90% тарихий обидалари шу ҳудудда жойлашган.

Қорақалпоғистонда экотуризм учун фойдаланиш мумкин бўлган табиий объектларнинг муҳим фонди ўрганилган. Устюрт платоси, Қизилқум чўллари, Амударёнинг водийлари ва дельталари, Қуйи Амударё давлат биосфера қўриқхонаси (собик Бадай Тоғай қўриқхонаси, бу ерда экзотик ҳайвонлар - гиеналар, ёввойи қўйлар, кал бўрсиқ, чўпин, шунингдек, ноёб қушлар мавжуд), Судочье кўли (кўчиб юрувчи қушлар учун тўхташ жойи), Хўжакул кўли, Лазарев ороли (камдан-кам учрайдиган пушти оҳақтош карьери билан), Караумбет туз ботқоғи ва б., Мўйноқ шаҳридаги кемалар қабристони каби сайёҳларни жалб қилиши мумкин бўлган ноёб ёдгорликлар туристик бозорни ривожлантириш нуқтаи назаридан қўриб чиқилган.

Тарихий-маданий туризм йўналишига И.В.Савицкий номидаги давлат санъат музейи, Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи, Эллиққалъа тумани Археология музейи, Мўйноқ тумани экология музейи, Қонликўл тумани 90-йиллар музейи, Қорақалпоғистон Республикаси маданият вазирлиги қошидаги Бердақ музейи, Амет ва Ойимхон Шамуратовалар уй музейи, этнотуризм йўналишига Нукус шаҳридаги марҳум хунарманд Азат Ўтарбоев устахонаси, «Сувенирлар дунёси» ва Саукеле хунармандчилик маҳсулоти дўконлари, Мўйноқ туманидаги Хунармандлар хиёбони, Чимбой туманидаги ўтов тайёрловчи хунармандлар устахонаси (Кўкшиқалъа маҳалласи), хунармандлар Азамат Турекеев, Адил Таджимуратов, Қундуз Қурбанова устахоналари, Чимбой туманидаги «Маънавият маскани» ва бошқа объектларнинг туристик жозибадорлиги таҳлил қилинган.

Шунингдек, этник туризм объектлари - Қорақалпоқларнинг ўзига хос маданияти - анъанавий овуллар, урф-одатлар, оғзаки халқ ижоди (фолклор) байрамлари, турли хил анъаналарга бағишланган фестиваллар, миллий хунармандчилик ва бошқа амалий санъат турлари сайёҳларда катта қизиқиш уйғотиши, айниқса, Қорақалпоқларнинг хунармандчилик санъати жуда машҳур ва туристик жиҳатдан жозибадорлиги: гилам тўқиш, чармга босиб нақш солиш, тўқиш, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, фил суягидан мозаикалар қўйиш ва бошқа хунарлар чет эллик сайёҳлар эътиборига лойиқ ва қўллаб-қувватланиш, ривожлантириш ва оммалаштиришга муҳтожлиги илмий асосланган.

Экоинновация, унинг мазмун-моҳияти ва механизмлари ёритилган; экологик инновациялар концепциясининг моҳияти "яшил" иқтисодиёт, "яшил" иқтисодий ўсиш, иқтисодиётни экологиялаштириш ва экологияни иқтисодиётлаштириш каби тушунчалар билан чамбарчас боғлиқлиги контекстида тадқиқ қилинган, сўнги йилларда Ўзбекистонда Оролбўйи муаммосининг салбий оқибатларини пасайтириш мақсадида амалга оширилган лойиҳалар, 2018-2021 йилларда Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш бўйича дастурлари таҳлил қилинган.

1-жадвал.


Қорақалпоғистон туризм индустриясининг инфраструктуралари

Т.р.	Кўрсаткичлар номи	2020 й. ҳолатига кўра	2020 й. мобай- нида	2022 й. учун прогноزلар
1.	Сертифатланган туроператорлар сони	34	4	15
2.	Сертифатланган гидлар сони	117	79	0
3.	Туризм ахборот марказлари сони	4	2	1
4.	Wi-Fi зоналари сони	51	18	21
5.	Санитар-гигиена шахобчалари сони	281	79	95
6.	Ўрнатилган йўл белгилари сони	24	0	30
7.	Туристлар учун автотранспорт воситалари	63	31	35
8.	“Туризм” мутахассислиги йуналишида таълим олувчи талабалар сони	277	193	34
9.	Гидлар малакасини ошириш курслари тингловчиларининг сони	23	0	5
10.	Туроператорлар малакасини ошириш курслари тингловчиларининг сони	34	34	19
11.	Халқаро келишувлар сони	1	1	1
12.	Халқаро туризм тадбирларида иштирокчилар сони	18	2	2

Экологик инновация - бу атроф-муҳитга таъсирнинг камайишига олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай инновация. Экоинновация – яратилишида табиий ресурслардан энг кам фойдаланилган ва токсик моддаларнинг чиқиндилари минимал бўлган янги маҳсулотлар, жараёнлар ва тизимларни ишлаб чиқаришдир. Улар ресурсларни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш, экологик тоза маҳсулотларни яратиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг экологик менеджмент ва экологик маркетинг каби янги усуллари инновациялар сифатида жорий этишни назарда тутадилар. Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда инновацияларни жорий қилиш самараларини улар ҳақли равишда иқтисодий, экологик, ижтимоий соҳалардаги ижобий натижаларда кўришади.

Иқтисодийни экологиялаштиришга қаратилган инновациялар, яъни экоинновациялар атроф муҳитга экологик зарар етказиш хавфини максимал даражада пасайтириш ва унинг сифатини яхшилашга кўмаклашадиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш модернизациясига йўналтирилиши керак. Бунда ҳисобга олиниши керак бўлган асосий омиллар: бозорнинг динамик равишда бозор конъюктураси ўзгаришига мослашиши, маркетинг ва менежмент сифатини ошириш, бизнесни тўғри ташкил қилиш ва самарали олиб бориш. Шу нуқтаи назардан қараганда, экоинновациялар ишлаб чиқариш, савдо-сотик, хизматлар кўрсатишнинг барча бўғинлари ва элементлари рақобатбардошлигини ошириш воситасидир, бу эса ўз навбатида қаттиқ рақобат ва бозор конъюктурасининг мураккаблашиб бориши шароитида омон қолишнинг гаровидир.

Шунингдек, диссертацияда "2019-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини "яшил" иқтисодийга ўтказиш стратегияси"ни бутун дунёда иқтисодийни экологиялаштириш ва экологияни иқтисодлаштириш жараёнларида фаол иштирок этаётган самарали инновацияларсиз амалга ошириб бўлмаслиги шубҳасизлигидан келиб чиққан ҳолда экоинновацияларни яшил иқтисодийга ўтиш миллий дастурининг муҳим таркибий қисми ва уни амалга оширишнинг самарали воситаси, деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқлиги, мазкур стратегияни амалга оширишда экоинновацияларнинг ўрни ва моҳияти алоҳида диққатга сазоворлиги илмий асосланган.



2-расм. 2018-2020 йилларда Қорақалпоғистонга келган туристлар сони

Қорақалпоғистон туризми ва унинг хизматлар бозорининг шаклланиши ва ривожланиши тенденциялари PEST-таҳлил ва SWOT-таҳлил усуллари қўлланган ҳолда ўрганилган; туристик компанияларнинг фаолиятини ташкил қилиш ва такомиллаштиришга ташқи муҳит ва ички омилларнинг таъсири кўриб чиқилган; Қорақалпоғистонда барқарор экоинновацион туризмни ривожланиши асосий тамойиллари ўрганилган; ўлкада туризмнинг тарихий-

маданий, экологик ва этник каби турларининг батафсил SWOT-таҳлили келтирилган; аҳолининг ижтимоий турмуш тарзининг яхшиланиши, инфраструктураларнинг ривожланиши, маданий объектларнинг кўпайиши бу жойларда экологик туризмдан ташқари экстримал туризм, саргузашт туризми, спорт туризми, гастроном туризми, ов туризми, табиий офатлар туризми каби турларининг шаклланиш ва ривожланиш имкониятларини кенгайтириши асослаб берилган.

Хориждан Қорақалпоғистонга 2018-2020 йилларда келган туристларнинг давлатлар кесимидаги кўрсаткичлари 2-расмда ўз аксини топган.

2018 йилда Қорақалпоғистонга 43 минг 475 сайёҳ ташриф буюрган, улардан 15 минг 274 нафари чет элдан келган. Хорижий сайёҳлар сони 2017 йилга нисбатан 8246 кишига кўпайган, яъни 85,0 %га ўсган. Мамлакатлар кесимида туристларнинг улушлари Франция (1510 киши), АҚШ (1304), Италия (1289), Россия (1019), Германия (928), Жанубий Корея (886), Буюк Британия (843), Хитой (840) ва Япония (661) каби мамлакатларга тўғри келади.

Кўрсаткичи энг юқори бўлган 2019 йилда диаграммалардан жой олган давлатлардан ташқари сайёҳлар сони бўйича бир қатор мамлакатларнинг Қорақалпоқ юрти ва Орол денгизи фожиясига бўлган қизиқиши катта эканлиги кузатилган. Булар: Япония (998та), Испания (867та), Польша (732та), Нидерландлар (596та), Швейцария (498та), Австралия (474та), Турция (393та), Бельгия (366та), Дания (255та), Канада (232та), Индия (177та), Австрия (170та), Чехия (167та), Греция (145та), Европа иттифоқи (134), Украина (119та, Норвегия (115та).

Умуман олганда, 2019 йилда Қорақалпоғистон республикасига 108 мамлакатдан 21399та турист ташриф буюрган бўлса, 2020 йилда пандемия туфайли уларнинг сони 11,8 мартага қисқарган (63та давлатдан 1803та турист).

2020 йилда туристлар сонининг кескин камайиши жаҳонда Covid-19 вируси туфайли кечаётган пандемия билан боғлиқлиги ҳаммага маълум. Лекин ундан олдинги йилларда ҳам ўзбекистонлик туристлар сонининг чет эл сайёҳларига нисбатан кўплиги ички туризмнинг ривожланиш динамикаси устунлигидан ва ташқи туризмни ривожлантиришда камчиликлар, тўсиқ ва муаммолар борлигидан далолат беради.

Диссертациянинг «**Туризм хизматлар бозоридаги инновацион механизмларни такомиллаштириш йўллари**» деб номланган учинчи бобда туризм хизматлар бозори ва уни ривожлантиришда инновацион менеджмент ва инновацион маркетингнинг ўрни ва аҳамияти; туристик фирмалар фаолиятини оптималлаштиришнинг инновацион механизмлари ёритилган.

**Самарали инновацион менеджментни шакллантириш ва уни
оптималлантириш омиллари**

Ташқи омиллар	Ички омиллар
Давлат сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий ривожланишининг барқарорлиги.	Ташкилотнинг мамлакат туризмини барқарор ривожлантириш ва давлатнинг инновацион ривожланиш концепциясига асосланган бошқарув ва инновацион стратегияларининг мукамаллиги.
Туризм ва унга ёндош соҳаларга оид ҳуқуқий-норматив базанинг мукамаллиги ва ривожланиш даражасига уйғун равишда узлуксиз такомиллашуви.	Ташкилотда инновацион фаолият ривожланишига масъул бўлган мутахассиснинг юқори малакалилиги.
Инновацион сиёсатнинг кучлилиги.	Кучли инновацион маркетинг.
Самарали солиқ ва бож сиёсатлари.	Ташкилот (фирма) менеджери ва логист-мутахассисининг юқори малакалилиги.
Интеллектуал капиталнинг юқори даражаси.	Маблағлар ва инвестициялар даражаси.
Давлат томонидан туризм соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ҳамда горизонтал ва вертикал интеграциянинг қўллаб-қувватланиши.	Доимий мижозлар сони ва уларнинг моддий жиҳатдан таъминланганлиги.
Экологик вазиятнинг қулайлиги.	Туристтик ташкилот (фирманинг) имиджи.
Технологик тарақиёт даражаси.	Ташкилот ходимларининг ички маданияти ва инновацияларга бўлган ижобий муносабати.
ОАВнинг тўғри ва фаол сиёсати.	Стандартлашган оммавий туризмдан унинг дифференциаллашган турларига ўтиш жараёнининг жадаллашуви.
	Туристтик хизматларни реклама қилиш ва тарғиб қилишда ОАВининг аҳамиятини ошириш.
	Хусусий туристик тадбиркорлик билан ҳамкорликни шакллантириш ва такомиллаштириш.

Инновацион менеджмент, хусусан туризм соҳасидаги инновацион менеджментнинг иаърифи, моҳияти, фаолият элементлари, уни самарли ташкиллаштириш, юритиш механизмлари, бўй сўниши зарур бўлган принциплари ёритилган; туристик фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар (турфирмалар, агентликлар) фаолиятининг самарадорлиги ва замон талабларига мос равишда ривожланиши учун танлаган стратегияси, хусусан, турташкилотда инновацион фаолиятни бошқариш стратегияси ва унинг ҳаётий цикллари, туристик ташкилотлар инновацион менеджментининг

мукаммал бўлишига таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар таҳлил қилинган.

Шунингдек, тадқиқот ишида замонавий инновацион менеджментнинг туризмдаги асосий мақсадлари кўрсатилган. Булар – туристик маҳсулот ва хизматлардаги инновацияларни бошқаришни тўғри ва самарали натижалар берадиган даражада ташкиллаштириш; иқтисодий, ижтимоий, маданий қийинчиликларни енгиш ва уларни имкон даражасида бартараф этиш; саёхат ва дам олишнинг янги тур ва шакллари яратиш; туризм соҳаси учун иш ва хизмат инновацияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишдир. Бундан ташқари, инновацион менеджментнинг мукаммал бўлишига таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар таҳлил қилинган, туризм соҳасида горизонтал ва вертикал интеграциянинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши омили хусусида тўхталиб, унинг моҳияти ёритилган.

Инновацион маркетинг – соҳа, корхона, компаниянинг маҳсулот, хизматлар савдосининг ва мижозларни жалб қилишнинг замонавий янги усулларининг сон ва сифат жиҳатларини яхшилашга асосланган маркетинг концепциясидир. Туризм соҳасидаги бундай маркетинг қуйидаги учта асосий вазифа самарали бажарилишини назарда тутди: 1) янги туристик маҳсулот ва хизмат турларини яратиш ёки мавжуд маҳсулот ва хизматларни реализация қилишнинг янги, инновацион усулларидан фойдаланиш; 2) мақсадли мижозларнинг янги аудиториясини шакллантириш; 3) соҳа тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг янги усулларини топиш ёки жаҳон амалиётида мавжуд инновацион усуллардан фойдаланиш, яъни уларни жорий қилиш. Мазкур вазифаларни сифатли амалга оширилиши натижасида туристик хизматлар бозоридаги рақиблар устидан муайян устунликка эришилиши илмий асосланган.

Кейинги йилларда ҳукуратимиз томонидан туризм соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳудудларда, хусусан, Қорақалпоғистонда ҳам соҳани барқарор ривожланиши таъминланмоқда.

2006-2020 йиллар маълумотлари асосида ҳудудда хизматлар соҳасининг ривожланиши туристик хизматларнинг ривожига таъсири баҳоланган ва хизматлар соҳасининг ривожланиши билан соҳа ривожланиши юқори боғлиқликка эгаллиги исботланган.

$$\lg(Y) = 3.2 + 0.53\lg(X) \quad (1)$$

Изоҳ: Y - Қорақалпоғистон Республикасидаги жами хизматлар ҳажми (млрд. сўмда), X - Қорақалпоғистон Республикасидаги туристик хизматлар ҳажми (млрд. сўмда).

Юқоридаги ҳисоб-китоблардан кўринадики, ҳудудда жами хизматлар ҳажмининг бир фоизга ошиши туристик хизматлар ҳажмининг 0,53 фоизга ошишини таъминлайди. Аниқланган регрессион тенглама коэффициентларини t-статистика ҳамда p-қийматларига эътибор қаратадиган

